# Электрон хизматлар

## Интернет тармоғи орқали давлат ва муниципал хизматларни олишнинг тез ва осон усули



# Электронные услуги

## Быстрый и доступный способ получения государственных и муниципальных услуг через сеть Интернет

Данная памятка издана за счет средств государственной поддержки, выделенных в качестве гранта в соответствии с распоряжением Президента Российской Федерации от 18.09.2013 №348-рп и на основании конкурса, проведённого Грантодателем.

creative commons
Это произведение доступно по лицензии Creative Commons «Attribution-NonCommercial-ShareAlike» («Атрибуция – Некоммерческое использование – На тех же условиях») 3.0 Непортированная.
Распространяется бесплатно.

Автор-составитель: Д.И. Самойлов.
Вёрстка: Е.А.Новаченко.

**Фонд «Центр гражданского анализа и независимых исследований ГРАНИ», 2014.**
614045, Россия, г. Пермь,
ул. Монастырская, 61 (ДЦ «Серго»), оф. 602
Тел.: (342) 211-08-70, 211-08-80, 211-09-90
Сайт: grany-center.org
Эл. почта: info@grany-center.org

Отпечатано в ООО «Типография ДПС»
614022 Пермь, ул. Танкисов, 12.
Тираж 150 экз.

# Электрон хизматлар

## Интернет тармоғи орқали давлат ва муниципал хизматларни олишнинг тез ва осон усули

## Мундарижа:


| | |
|---|---|
| Сўз боши | 3 |
| Ягона давлат ва муниципал хизматлар портали | 4 |
| Пермь ўлкасининг давлат ва муниципал хизматлар портали | 9 |
| Пермь ўлкасининг ягона тиббий портали | 11 |
| Солиқ тўловчининг электрон кабинети | 13 |
| Пермь ўлкасининг бандлик хизматининг Интернет-офиси | 16 |
| Универсал электрон карта (УЭК) | 18 |

## Сўз боши

Замонавий инсон ҳаётига турли хил электрон сервислардан фойдаланиш хос бўлади: биз банк карталаридан фойдаланамиз, алоқа салонига мурожаат қилмай, мобил телефоннинг ҳисоб рақамини тўлдирамиз, Интернет-дўконларда харидлар қиламиз. Замонавий давлат янги мойилликлардан орқада қолмайди ва ўз фаолиятига янги ахборот технологияларини жорий қилишга интилади. Ҳокимият органларининг сайтлари ривожланади, идоралараро электрон шаклдаги ўзаро муносабатлар ривожланади, идоравий ахборотнинг катта ҳажми ошкор этилади, электрон ҳужжат алмашуви тизими ишга туширилади, аҳолига хизматлар тақдим этиш бўйича кўп вазифали марказлар ривожланади, ва ҳоказо.

Россияда давлат ва муниципал хизматларни тақдим этиш соҳасида асосий янгиликлардан бири «электрон хизматлар» пайдо бўлишидир.

«Электрон хизматлар» (ёки «электрон шаклдаги хизматлар») – бу Интернет тармоғи орқали, «уйдан чиқмай» ва навбатларда ўз вақтини ўтказмай туриб, давлат ёки муниципал хизматларни масофадан олишнинг тез ва осон усулидир.

Интернет тармоғидан фойдаланиб, давлат ва муниципал хизматларни олиш қуйидаги имкониятларни беради:

- вақтни тежаш, чунки Сиз ҳокимият органларида ва муассасаларда навбатда туришга мажбур бўлмайсиз;
- идорагача йўл ҳақини тўлаш зарурлиги каби қўшимча харажатлар учун молиявий маблағларни тежаш;
- турли хизматлар ҳақида ахборотни осон ва қулай шаклда олиш;
- давлат (муниципал) ходимлар билан алоқаларни камайтириш.

Электрон шаклда хизматларни олиш учун қўшимча йиғимлар ундирилмайди. Улар учун давлат божи ундириладиган ҳоллардан ташқари, хизматлар бепул тақдим этилади.

Ушбу эслатмада Сиз ўзингиз учун янги электрон сервислар ёрдамида қандай қилиб давлат хизматларини Интернет тармоғи орқали масофадан олиш ҳақидаги ахборотни топасиз.

www.gosuslugi.ru

## 1

## Давлат ва муниципал хизматларнинг ягона портали нима?

Давлат ва муниципал хизматларнинг ягона портали Россиянинг барча минтақалари учун амал қилади ва умумий электрон ресурсда федерал ҳокимият, минтақавий ҳокимият органлари, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари кўрсатадиган хизматларни умумлаштиради. Бу давлат органлари билан минимал алоқа қилган ҳолда, масофадан туриб керакли хизматларни олиш имконини берадиган асбобдир.

Портал федерал, минтавий ҳокимият органларига, маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларига аризаларни бериш, шунингдек мумкин бўлган бир қатор хизматлар бўйича натижаларни олишнинг ягона жойидир. Масалан, электрон сервис ёрдамида Россия Нафақа фондидаги ҳисоб рақамининг ҳолати ва жамланган маблағлар ҳақида маълумотларни ўрганиш, солиқ қарздорлиги ҳақида маълумотларни ўрганиш мумкин, ва ҳоказо. РФ Алоқа Вазирлигининг маълумотига кўра, ягона порталдаги Сиз яна фойдаланишингиз мумкин бўлган энг оммавий федерал электрон хизматлар қуйидагилардир:

1.Йўл ҳаракати соҳасида маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида маълумот бериш (ЙҲХДИ дан жарималар борлиги ёки йўқлиги);

2.Чет эл паспортларини расмийлаштириш ва бериш (уйдан ариза бериш мумкин);

4. Жисмоний шахснинг солиқ қарздорлиги тўғрисида маълумот бериш (давлат олдида қарзи бор-йўқлигини аниқлаш мумкин);

5. Автомототранспорт воситалари ва уларнинг тиркамаларини давлат рўйхатидан ўтказиш (автомобилни рўйхатга қўйиш мумкин).

Давлат ва муниципал хизматларнинг порталлари ўз ишлашининг тамойилига кўра бошқа сайтларга жуда ўхшаш (социал тармоқлар, Интернет-дўконлар), бу ерда ҳам рўйхатдан ўтиш, «аккаунт» яратиш ва шахсий сахифада керакли маълумотни кўрсатиш лозим. Агар Сиз аввал Интернет-дўконларда харидлар қилган бўлсангиз, Сизда давлат ва муниципал хизматларни расмийлаштиришда муаммо туғилмайди. Сиз фақат ўзингизнинг эҳтиёжингизни англаб етишингиз ва Сизга керакли хизматни олишингиз лозим.

## 2 Бу электрон сервис қандай афзалликларни беради?

Давлат ва муниципал хизматларнинг ягона портали сервисларидан фойдаланиш қуйидагиларга имкон беради:

- «икки марта босиш» тарзида хизматларни тақдим этиш амаллари ва натижаси ҳақидаги барча керакли маълумотни осон олиш;
- барча даражаларда ҳокимият органларига хизматларни олиш учун ариза ва ҳужжатларни бериш;
- аризани, жумладан шикоятларни кўриб чиқишнинг ҳолати ҳақидаги долзарб маълумотларни олиш;
- бир қатор давлат ва муниципал хизматлар (шахсан бўлмаган ҳолда, «имзо орқали» олиш мумкин бўлганларни) натижаларини олиш;
- давлат ва муниципал муассасалар ҳақида ахборот олиш;
- Сиз у ёки бу ҳаётий вазиятда бўлганда яна қайси хизматларни олишингиз мумкинлиги ҳақида билиш. Порталдаги хизматлар ҳам кўпинча турли «ҳаётий вазиятларда» («кўчиш, миграция», «нафақа ёшига етиш» ва ҳоказо) олинадиган давлат ва муниципал хизматлар тўпламлари шаклида жамланган.
- давлат ва муниципал ходимларнинг ҳаракатлари устидан шикоятларни йўналтириш.

# 3 Сервисдан қандай фойдаланиш керак?

Давлат ёки муниципал хизматини олиш учун, сахифада кўрсатилган электрон шаклларга шахсий маълумотни киритиш орқали Порталда рўйхатдан ўтиш лозим. Кўпинча одамлар ўзи ҳақидаги маълумотни Интернетда қолдиришга қўрқади. Порталда рўйхатдан ўтиш давлат билан Сизнинг номингиздан бошқа одам эмас, айнан Сиз мулоқот қилаётганингизни тасдиқлаш учун керак бўлади.

Давлат ва муниципал хизматларнинг порталида рўйхатдан ўтиш фақат Сиз электрон шаклдаги хизматларни олмоқчи бўлсангиз, талаб этилади, агар Сиз фақат хизматлар ҳақидаги ахборот билан танишмоқчи бўлсангиз, Сизга рўйхатдан ўтиш талаб этилмайди.

## Давлат ва муниципал хизматларнинг порталига кириш

- «gosuslugi.ru» манзили бўйича

## Порталда чет эл фуқаролари учун рўйхатдан ўтиш

- «Рўйхатдан ўтиш» бўлимида «Чет эл фуқароларнинг рўйхатдан ўтиши» кичик бўлимини танланг.

## Электрон шаклларга шахсий маълумотни киритиш:

- Аввал Сиз Порталнинг ишлаш регламенти билан танишганлигингизни тасдиқлаш, шундан кейин қуйидагиларни киритиш керак бўлади: 1. Шахсий маълумот (Ф.И.О., туғилган сана, шахсини тасдиқловчи ҳужжатларнинг реквизитлари); алоқа маълумоти (телефон рақами, электрон почта манзили).
- Ҳаққоний маълумотни киритиш муҳим, электрон почта манзили ишлаётган бўлиши керак, Сиз почта яшигига кира олишингиз лозим.

## Активация кодини олиш ва Порталга кириш

- Сиз рўйхатдан ўтишда кўрсатган электрон почта манзилига активация коди юборилади. Порталга кириш учун Сиз логин сатрида электрон почта манзилини ёзишингиз ва активация кодини киритишингиз керак.

## Портал фойдалувчисининг жойлашувини созлаш

- Порталда жойлаштирилган барча хизматлар ҳудудий боғланган бўлади, шунинг учун сервис имкониятларидан фойдаланиш учун биринчи қадам жойлашувингизни аниқлаш ҳисобланади. Бунинг учун махсус рўйхат ёрдамида Сиз жойлашган минтақани ва аҳоли пунктини танлаш керак.

## Керакли хизматни танлаш

- Порталдаги барча хизматлар учта усулда тақдим этилган: тоифалар бўйича, идоралар бўйича ва ҳаётий вазиятга кўра. Учинчи усул энг осон бўлади, чунки у ёки бу хизматни қайси идора тақдим этиши тўғрисида махсус билимларни талаб қилмайди. Сизнинг эҳтиёжингизни аниқ ифодалаш ва «Ҳаётий вазият»нинг керакли тоифасини танлаш етарли. Шунингдек, «Олувчилар тоифалари» бўлимида Сиз «Чет эл фуқаролари» сатрини танлашингиз мумкин, бу эса чет эл фуқаролари олиши мумкин бўлган хизматларнинг мос келган тўпламини ҳосил қилишга имкон беради.



## Хизматларни электрон шаклда олиш




## Хизмат ҳақида ахборотни олиш

Давлат ва муниципал хизматлар портали долзарб ахборот-маълумот ресурсидир, бу ерда Сиз ўзингизни қизиқтирган хизматларнинг тақдим этиш қоидалари ва амаллари ҳақида барча керакли маълумотни олишингиз мумкин. Хизматнинг саҳифасига ўтганда, Сиз унинг қайси хизмат олувчиларининг тоифалари учун мўлжалланганлигини (жисмоний шахслар, чет эл фуқаролари, юридик шахслар ва ҳоказо), қайси ҳокимият органи томонидан тақдим этилишини, тақдим этилиши муддатларини, бепул/пуллик тақдим этилишини ва ҳоказоларни билишингиз мумкин. Шунингдек Сиз тўлдириш учун тайёр ҳужжатлар шаклларини кўчириб олишингиз мумкин, бунда тўлдирилган ҳужжатларни Сиз ҳокимият органига шахсан келиб, топширишингиз мумкин.

Бундан ташқари, Порталда фойдали амалий маълумот жойлаштирилган, экспертларнинг муайян хизматлар бўйича шарҳлари «Савол — жавоб» рубрикасида бор.

Аниқ жавоблар ва маслаҳатларни олиш учун куну-тун доимий телефон линияси ишлайди (8-800-100-70-10). Фойдаланувчилар учун акс алоқа шакли орқали ресурснинг ишлаши юзасидан ўз тилакларини юбориш имконияти кўзда тутилган.

Хизматлар ҳақида маълумот олиш учун рўйхатдан ўтиш талаб этилмаслигига эътибор беринг.

## Пермь ўлкасининг давлат ва муниципал хизматлар портали

**www.gosuslugi.permkrai.ru**

### 1 Пермь ўлкасининг давлат ва муниципал хизматлар портали нима?

Пермь ўлкасининг давлат ва муниципал хизматлар портали Пермь ўлкасининг ижроия ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари тақдим этадиган хизматлар учун махсус ишлаб чиқилган.



## 2 Пермь ўлкасининг давлат ва муниципал хизматлар портали фандай афзалликларни беради?

*Пермь ўлкасининг давлат ва муниципал хизматлар портали қуйидагиларга имкон беради:*

- Пермь ўлкасининг ижроия ҳокимияти органларининг давлат хизматлари ва Пермь ўлкасининг маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг муниципал хизматлари ҳақида (жумладан, керакли ҳужжатлар ҳақида, аризалар бланклари, хизматнинг қиймати, уни кўрсатиш муддатлари ва ҳоказо) маълумот олиш;
- давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг телефонларини ва манзилларини билиш;
- Пермь ўлкасининг ижроия ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг хизматларидан фойдаланиш учун аризани ва ҳужжатларни бериш.

## 3 Пермь ўлкасининг давлат ва муниципал хизматлар порталидан қандай фойдаланиш керак?

- Пермь ўлкасининг давлат ва муниципал хизматлар портали билан ишлаш давлат ва муниципал хизматларнинг Ягона портали билан ишлаш каби, худди шундай тамойил асосида амалга оширилади (давлат хизматларининг Ягона портали нималигини 5-саҳифада қаранг).
- Пермь ўлкасининг давлат ва муниципал хизматлар портали давлат хизматларининг Ягона портали билан бирлаштирилган, у ёки бу хизматни олишни танлашда Сиз автоматик тарзда унга йўналтириласиз. (Ягона давлат хизматлари порталида қандай рўйхатдан ўтишни 6-саҳифада қаранг).

**www.k-vrachu.ru**

## 1 Пермь ўлкасининг Ягона тиббий портали нима?

Пермь ўлкасининг Ягона тиббий портали Пермь ўлкасининг поликлиникалари шифокорларига **режали** қабулига ёзилиш учун мўлжалланган.

Пермь ўлкасининг Ягона тиббий портали орқали фақат режали қабул қилиш учун ёзилиш амалга оширилишига эътибор беринг. Россияда тез тиббий ёрдам унинг ҳудудида бўлганларнинг барчасига мажбурий тиббий суғурталаш полиси бўлмаганда ҳам, бепул ва шошилинч тарзда кўрсатилади. Бригадани чақириш: 03 – стационар телефондан, 103 – мобил телефондан.

## 2 Пермь ўлкасининг Ягона тиббий портали қандай афзалликларни беради?

Пермь ўлкасининг Ягона тиббий порталининг сервисларидан фойдаланиш қуйидаги имкониятларни беради:

- керакли тиббий мутахассиснинг режали қабулига масофадан, яъни поликлиникага келмасдан ёзилиш, бунда келиш учун қулай вақтни танлаш.
- соғлиқни сақлаш муассасаси ҳақида керакли маълумотни олиш (иш жадвали, манзили, алоқа маълумоти).
- порталда кўрсатилган телефон рақами орқали регистратурага қўнғироқ қилиб, қабулга ёзилиш мумкин.

## 3 Пермь ўлкасининг Ягона тиббий порталидан қандай фойдаланиш керак?

### Пермь ўлкасининг Ягона тиббий порталига кириш

kvrachu.ru манзили бўйича

## Порталда рўйхатдан ўтиш

«Рўйхатдан ўтиш» бўлимига ўтинг. Ўз электрон почта манзилингизни киритинг (кейинчалик у Порталда авторизация учун ишлатилади). Фақат Сиз фойдаланадиган электрон почта манзилини киритинг, кейинчалик у Порталда авторизация учун ишлатилади. Узунлиги 4 белгидан 16 белгигача бўлган паролни шакллантиринг, у Порталга кириш учун керак бўлади, шунинг учун уни ёзиб олиш ёки эслаб қолиш лозим.

## Рўйхатдан ўтишда кўрсатилган электрон почта манзили қутисига кириш

Кирувчи хатда кўрсатилган ҳавола бўйича, ўз рўйхат ёзувингизни активация қилиш учун, ўтинг. Ҳавола бўйича ўтганда, Сиз ўз шахсий кабинетингизга кирасиз.

## Порталда авторизация қилиш

Сиз ўз шахсий кабинетингизга кирганингиздан кейин, мажбурий тиббий суғурталаш полисининг рақамини киритиш ва Сиз бириктирилган ёки бириктирилмоқчи бўлган поликлиникани танлашингиз керак (буни турар жойингиз бўйича керакли мутахассиснинг қабулига ёзилиш учун шундай қилиш лозим).

Аввалдан, киришингиз билан картотекада фақат бир киши – Сиз кўрсатиласиз. Сиз картотекага ўз истагингизга кўра бошқа фойдаланувчиларни қўшишингиз мумкин.

## Шифокорнинг қабулига ёзилиш

Сиз рўйхатдан ўтгандан кейин шифокорларга режалик қабулига ёзилишингиз мумкин. Пермь ўлкасининг Ягона тиббий портали орқали фақат режали қабул қилиш учун ёзилиш амалга оширилишига эътибор беринг.

## Электрон шаклдаги хизматларни олиш схемаси

**1-қадам**
Картотекада беморни танлаш

→

**2-қадам**
Муссасанинг мутахассисини танлаш

→

**3-қадам**
Қабулнинг вақтини танлаш




## Солиқ тўловчининг электрон кабинети

**www.lk2.service.nalog.ru**

### 1 Солиқ тўловчининг электрон кабинети нима?

Россия Федерациясининг Федерал солиқ хизмати (Россия ФСХ) солиқ тўловчилар учун вақт харажатларини камайтириш ва солиқ идоралари билан муносабатларда қулайликни ошириш учун мўлжалланган сервисни - «Жисмоний шахслар учун солиқ тўловчининг шахсий кабинети» ни ишлаб чиқди. Бу сервис солиқ тўловчиларга ФСХ нинг расмий сайтида www.nalog.ru, «Электрон хизматлар» бўлимида, https://lk2.service.nalog.ru/lk/ манзилида жойлаштирилган Россия ФСХ нинг хизматларидан фойдаланиш имконини беради.

## 2 Солиқ тўловчининг электрон кабинети қандай афзалликларни беради?

«Жисмоний шахслар учун солиқ тўловчининг шахсий кабинети» солиқ тўловчиларга қуйидаги имкониятларни беради:

- мулк тўғрисида, ҳисобланган ва тўланган солиқ тўловларининг микдорлари ҳақида долзарб маълумотни олиш;
- бюджет билан ҳисоб-китоблар ҳолатини назорат қилиш, жумладан қарздорликларни кузатиш ва назорат қилиш;
- ҳисоб варақларни, квитанцияларни олиш ва чоп этиш;
- солиқ қарздорлигини тўлаш ва солиқ тўловларини амалга ошириш;
- солиқ органларига масофадан мурожаат қилиш.

## 3 Солиқ тўловчининг электрон кабинетидан қандай фойдаланиш керак?

«Жисмоний шахслар учун солиқ тўловчининг шахсий кабинети» сервисига кириш рўйхат картасида кўрсатилган логин ва паролнинг ёрдамида амалга оширилади.

### Рўйхат картасини қандай олиш мумкин

- Рўйхат картасини олиш учун, Сиз исталган солиқ инспекциясига шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат ва солиқ ҳисобига қўйиш гувохномаси (ИНН) билан мурожаат қилишингиз керак. Агар Сиз турар жойингиз бўйича инспекцияга мурожаат қилсангиз, фақат паспортни тақдим этиш керак.
- Сиз шунингдек «Кўп вазифали давлат ва муниципал хизматларни тақдим этиш маркази»га шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат ва солиқ ҳисобига қўйиш гувохномаси (ИНН) билан мурожаат қилиб, рўйхат картасини олишингиз мумкин.
- Шунингдек Россия ФСХ нинг сайтида (www.nalog.ru) логин ва паролни олиш учун онлайн-ариза бериш имкони бор (бунда аризани чет эл фуқароси беришини белгилаш муҳимдир), лекин Сиз ҳар қандай ҳолда инспекцияга шахсан келишингиз керак.



ФЕДЕРАЛЬНАЯ НАЛОГОВАЯ СЛУЖБА

Личный кабинет налогоплательщика

Интернет-сервис «Личный кабинет налогоплательщика для физических лиц» позволяет налогоплательщику:

- получать актуальную информацию об объектах имущества и транспортных средствах, о суммах начисленных и уплаченных налоговых платежей, о наличии переплат, о задолженности по налогам перед бюджетом;
- контролировать состояние расчетов с бюджетом;
- получать и распечатывать налоговые уведомления и квитанции на уплату налоговых платежей;
- оплачивать налоговую задолженность и налоговые платежи;
- скачивать программы для заполнения декларации по налогу на доходы физических лиц по форме № 3-НДФЛ, заполнять декларацию по форме № 3-НДФЛ в режиме онлайн, направлять в налоговую инспекцию декларацию по форме № 3-НДФЛ в электронном виде, подписанную электронной подписью налогоплательщика;
- отслеживать статус камеральной проверки налоговых деклараций по форме № 3-НДФЛ;
- обращаться в налоговые органы без личного визита в налоговую инспекцию.

Доступ к сервису «Личный кабинет налогоплательщика для физических лиц» осуществляется одним из двух способов:

- С помощью логина и пароля, указанных в регистрационной карте. Получить регистрационную карту вы можете лично в любой* инспекции ФНС России, независимо от места постановки на учет. При обращении в инспекцию ФНС России по месту жительства при себе необходимо иметь документ, удостоверяющий личность. При обращении в иные инспекции ФНС России при себе необходимо иметь документ, удостоверяющий личность, и оригинал или копию свидетельства о постановке на учет физического лица (свидетельство о присвоении ИНН)/уведомления о постановке на учет. Получение доступа к сервису для лиц, не достигших 14 лет, осуществляется законными представителями (родителями, усыновителями, опекунами) при условии предъявления свидетельства о рождении (иного документа, подтверждающего полномочия) и документа, удостоверяющего личность представителя. В сервисе предусмотрена возможность подачи онлайн-заявления на подключение к услуге для последующей регистрации в сервисе при личной явке.

  Если логин и пароль были Вами получены ранее, но Вы их утратили, следует обратиться в любую* инспекцию ФНС России с документом, удостоверяющим личность, и (при обращении в инспекцию ФНС России, отличную от инспекции по месту жительства) оригиналом или копией свидетельства о постановке на учет физического лица (свидетельство о присвоении ИНН)/уведомления о постановке на учет.

- С помощью квалифицированной электронной подписи/Универсальной электронной карты. Квалифицированный сертификат ключа проверки электронной подписи должен быть выдан Удостоверяющим центром, аккредитованным Минкомсвязи России и может храниться на любом носителе: жестком диске, USB-ключе, Универсальной электронной карте или смарт-карте. При этом требуется использование специального программного обеспечения-криптопровайдера: CryptoPro CSP версии 3.6 и выше.

  Для корректной авторизации в сервисе рекомендуем использовать квалифицированный сертификат ключа проверки электронной подписи, соответствующий положениям приказа ФНС России от 08.04.2013 № ММВ-7-4/142.

Вход в Личный кабинет

Логин (Ваш ИНН):

Пароль:

Запомнить логин

Войти

Ознакомиться с функциональными возможностями сервиса «Личный кабинет налогоплательщика для физических лиц» Вы можете на тестовом примере. Для этого необходимо ввести: логин – 000000000000 (двенадцать нулей), пароль – произвольный.

Вход/регистрация с помощью ключа электронной подписи

«Жисмоний шахслар учун солиқ тўловчининг шахсий кабинети» сервисига электрон рақамли имзо орқали хам кириш мумкин. Электрон имзо Россия Алоқа коммуникациялари Вазирлиги томонидан аккредитацияланган Тасдиқлаш маркази томонидан берилиши лозим, ва исталган ташувчида: қаттиқ

диск, USB-калит, Универсал электрон карта ёки смарт-картада сақланиши мумкин. Универсал электрон картани қандай олиш мумкинлиги ҳақида 20-саҳифага қаранг.

## Солиқ тўловчининг шахсий кабинети сайтига кириш

- www.lk2.service.nalog.ru манзилида

## Солиқ тўловчининг шахсий кабинетида рўйхатдан ўтиш

- Рўйхат картасининг иккинчи саҳифасида кўрсатилган логинни (ИНН) ва паролни киритиш

## Паролни янгисига ўзгартириш

Буни қилиш лозим, чунки рўйхат картасида кўрсатилган парол автоматик тарзда шакллантирилган ҳарфлар, сонлар ва белгиларнинг тўпламидан иборат бўлиб, уни эслаб қолиш қийин (30 кундан кейин бирламчи парол блокланади ва Шахсий кабинетга кириш тақиқланади).

«Жисмоний шахслар учун солиқ тўловчининг шахсий кабинети» сервисидан ташқари, Россия ФСХ юридик шахслар бўлган Россия ташкилотлари учун «Юридик шахснинг Шахсий кабинети» сервисини ишга туширди. Унинг ёрдамида юридик шахслар солиқ хизматининг турли хизматларидан фойдаланиши мумкин (масалан, ЕГРЮЛ (юридик шахсларнинг ягона далат реестри)дан кўчирма, ЕГРН (солиқ тўловчиларнинг ягона давлат реестри) дан кўчирма олиш, солиқлар, йиғимлар, пеня, жарималар, фоизлар бўйича ҳисоб-китоблар ҳолати тўғрисида сўровларни юбориш ва маълумот олиш, ва ҳоказо)

## Пермь ўлкасининг бандлик хизматининг Интернет-офиси.

### 1

**www.i-szn.ru**

### Пермь ўлкасининг бандлик хизматининг Интернет-офиси нима?

Пермь ўлкасининг аҳоли бандлигига оид Агентлиги бандлик хизматининг Интернет-офиси фаолиятини ташкил қилди. Сервис ҳам иш излаётган шахслар учун, ҳам иш берувчилар учун мўлжалланган.

## 2 Пермь ўлкасининг бандлик хизматининг Интернет-офиси қандай афзалликларни беради?

Пермь ўлкасининг бандлик хизматининг Интернет-офиси қуйидаги имкониятларни беради:

- Бандлик марказлари кўрсатадиган давлат хизматлари ҳақида маълумот олиш;
- меҳнат ҳуқуқлари ва меҳнат бозорида аҳвол ҳақида фойдали маълумот олиш;
- Пермь ўлкасининг Бандлик марказлари манзилларини ва телефонларини билиш;
- «Вакансиялар ярмаркаси», «Ўқиш жойлари ярмаркаси» ўтказилишининг вақти ва жойи, Бандлик марказлари мобил офисларининг ишлаши ҳақида маълумот олиш;
- ишсизлик нафақасининг миқдорини ҳисоблаш.

Сервис ривожланиш босқичида бўлиб, хизматлар кўламини аста-секин ошириш кўзда тутилмоқда.



## 3 Пермь ўлкасининг бандлик хизматининг Интернет-офисидан қандай фойдаланиш керак?

Эслатма нашр этилган пайтда Бандлик хизматининг Интернет-офиси билан ишлаш учун рўйхатдан ўтиш талаб этилмайди.

Кейинчалик, ушбу сервис ёрдамида олиш мумкин бўлган хизматлар кўлами оширилганда рўйхатдан ўтиш киритилиши режалаштирилган.

# Универсал электрон карта (УЭК)

**www.uecard.ru**

## 1 Универсал электрон карта нима?

Универсал электрон карта – давлат, муниципал ва тижорат хизматларни олиш учун калитдир. У график ва электрон шаклида фойдаланувчи ҳақидаги маълумот мавжуд бўлган моддий ташувчидан (пластик картадан) иборат. УЭК давлат, муниципал ва ижтимоий хизматларни олишда картанинг фойдаланувчисини идентификация қилишга имкон берувчи унинг ҳақидаги маълумотни олиш имконини беради.

Универсал электрон карта қуйидагиларни ўзида мужассамлантиради:

- шахсини тасдиқловчи ҳужжат (қонун билан белгиланган ҳолларда);
- мажбурий тиббий суғурталаш полиси (МТС);
- мажбурий нафақа суғурталашниг суғурта гувоҳномаси (СНИЛС);
- банк картаси;
- хизматлардан фойдаланиш учун керакли идентификациялаш маълумоти электрон шаклида.

## 2 Универсал электрон карта қандай афзалликларни беради?

Универсал электрон карта ёрдамида давлат, муниципал ва ижтимоий хизматларни электрон шаклида олиш мумкин. Банк ҳисоб рақамига боғланиш ундан тўлов асбоби сифатида фойдаланиш имконини беради.

Бу картага ойлик ва нафақани олиш, ундан солиқларни ва жарималарни тўлаш, банк хизматларидан фойдаланиш (жумладан, ТКХ хизматларини, билетлар ҳақини, алоқа хизматларини, дўконда харидлар ҳақини тўлаш) мумкин, ва ҳоказо. Карта жуда қулай, чунки у қоғоз шаклидаги ҳужжатларни олиб юриш заруриятини камайтиради, уларнинг ҳаммаси электрон шаклида картада мавжуд бўлади.

## 3 Универсал электрон картадан қандай фойдаланиш керак?

УЭК эгалари жисмоний шахслар, РФ фуқаролари ва чет эл давлатларининг фуқаролари бўлиши мумкин. *Эслатма нашр этилган пайтда Универсал электрон карта фақат Россия фуқароларига берилади.*

### Универсал электрон карта берилиши учун ариза бериш

Аризани бериш учун Сизнинг минтақангизда УЭК бериш бўйича ваколатли ташкилотга мурожаат қилинг, ташкилот манзилини Сиз УЭК сайтида (uecard.ru) «Бериш пунктлари» бўлимида билишингиз мумкин. Мурожаат қилиш учун Сизда шахсингизни тасдиқловчи ҳужжат ва (мавжуд бўлса) суғурталаш гувоҳномаси ва солиқ тўловчининг идентификациялаш рақами бўлиши лозим. УЭК берилиши ҳақида аризани расмийлаштириш билан бир вақтда, Сиз (банкларнинг таклиф қилинган рўйхати ичидан) банкда ҳисоб рақами очиш бўйича аризани расмийлаштиришингиз керак.

### Универсал электрон картани олиш

Тайёр Универсал электрон картани олишда Сиз картанинг ўзи ва пин-кодлар мавжудлигини текширишингиз керак, уларнинг ичида албатта шахсий маълумотга кириш учун пин-код ва банк ҳисоб рақамига кириш учун пин-код бўлиши керак.

### Универсал электрон картадан фойдаланиш

Универсал электрон картадан:

- давлат, муниципал, ижтимоий хизматларни олиш;

- товарлар ва тижорат хизматлар ҳақини тўлаш;
- нафақалар, ижтимоий нафақалар ва ҳоказоларни олиш учун фойдаланиш мумкин.





## ГРАНИ МАРКАЗИНИНГ ИНТЕРНЕТ-РЕСУРСЛАРИГА ТАШРИФ БУЮРИШНИ ТАКЛИФ ҚИЛАМИЗ

http://grany-center.org - ГРАНИ Марказининг сайти. Бу фаол фуқаролар, нотижорат ташкилотлар ва ташаббускор гуруҳлар учун медиакутубхонадир – бу ерда тадбирларнинг анонслари, тақдимотлар ва услубий тавсиялар, долзарб лойиҳалар тўғрисида маълумот, мустақил фуқаролик экспертизалар, мониторинглар ва тадқиқотлар ўтказилишининг натижалари, шунингдек шаҳар, минтақа, давлатнинг долзарб ижтимоий кун тартибини шакллантирувчи ўз фикри, нуқтаи назарига эга бўлган жуда кўп материаллар мавжуд.

http://migrant.grany-center.org - ГРАНИ Марказининг «Замонавий давлат-саводли мигрант» лойиҳаси. Сайт Россияда давлат ва муниципал хизматларни тақдим этиш тизими билан яхшироқ танишишга ёрдам беради, шунингдек мигрантларга қўшимча харажатлардан қочиб, турли хизматлардан «қадам-бақадам» қандай фойдаланиш мумкинлигини тушунишга имкон беради. Сайтга мигрантларнинг бир нечта она тилларида кириш мумкин.

http://hellocity.pro/ - ГРАНИ Марказининг шаҳардаги ҳаёт тўғрисидаги «HelloCity» номли блоглари.
Шаҳардаги унумли ташаббуслар, сервислар, «учинчи» ўринлар, лойиҳалар ва акциялар, долзарб ғоялар – буларнинг ҳаммаси блокда тақдим этилади.

Фонд «Центр гражданского анализа и независимых исследований ГРАНИ», 2014.